



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 7 январь, № 4 (8347)

Шанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Янги Ўзбекистоннинг мустақкам қалқони

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудда "Миллий армиямиз — Янги Ўзбекистоннинг мустақкам қалқонидир!" шиори остида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда, ҳарбий хизматчилар учун тураржой бинолари фойдаланишга топшириляпти.

Хусусан, Нукус гарнизонининг ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари Янги йил ҳамда касб байрамларини капитал таъмирланган кўп қаватли уйларида нишонлашмоқда. Ўлик ҳарбий шаҳарчадаги иккита тўрт қаватли уйнинг ҳам ички, ҳам ташқи кифофаси буткул ўзгарди. Шинам хонадонларда яшаш учун



барча шарт-шароит яратилди. Уйлар олдида замонавий спорт майдончаси ташкил этилди. Янги хонадон қалитларини бахтли оилаларга топширар экан, Шимоли-Гарбий ҳарбий округ қўшинлари кўмондони Фарҳоджон Шерматов Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчилари, ҳарбий хизматдан захирага бўшатишган фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари

ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан уларни уй-жой билан таъминлашга қаратилган қатор дастурлар тасдиқланганини таъкидлади. Шу ўринда 2022 йилнинг ўзида икки мингдан зиёд Ватан ҳимоячилари янги уйларга кўчиб киргани қайд этилди.



Мулоқот

ЭЗГУ ҒОЯЛАР ИЖОБАТИ

Давлатимиз раҳбари топшириги асосида тузилган Республика ишчи гуруҳининг Хонқа туманидаги фаолияти ҳам инсон қадрини улуглаш, инсонга хизмат қилишдек эзгу ғоялар ижобати билан уйғун кечди. "Оққўрғон тажрибаси" асосида Хонқанинг 44 та маҳалласида уйма-уй, хонадонма-хонадон ташкил қилинган сайёр қабуллар эса халқ билан мулоқот тизимини янги босқичга олиб чиқишда яна бир муҳим платформа бўлди.

Мазкур жараёнда энг муҳим вазифа — аҳолининг дастурхони тўқинлигию рўзғори бўлганини таъминлаш, ишсиз инсонлар учун доимий иш ва барқарор даромад манбаи яратиб беришдан иборат. Шу мақсадда Хонқада кооперация асосидаги бир қатор янги лойиҳаларни амалга оширишга киришилди. Айтилик, "Ораста биосервис" МЧЖ раҳбари, 55 ёшли Замира Зарипова биомасхулотлар етиштиришда 30 йиллик тажрибага эга. Бу аёл тўрт йилдан бери Эҳтиром маҳалласидаги уйда "Олтинкўз", бракон, трихограмма, ситотрога каби биомасхулотлар етиштириб, 5 та фермер хўжалигига етказиб берапти.

Бир мавсумда 40 миллион сўмгача соф фойда топаётган Замира опа маҳалладошларидан беш нафарини доимий, ўнга яқинини эса мавсумий иш билан таъминлаган. Республика ишчи гуруҳи бу корхона фаолиятини ўргангач Замира Зарипова раҳбарлигида кооперация асосида биомасхулотлар етиштириш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра кооперацияга 30 нафар хонқалик ишсиз хотин-қиз бичиририлиб, 15 та фермер хўжалиги билан ҳамкорлик йўлига қўйилади. Бунинг учун туманининг бошқа бир ҳудуддаги бўш бинадан учта хона ажратилди.



8 январь — Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни

Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

АСОСИЙ МЕЗОН — ҚОНУНИЙЛИК, ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА ЭЛНИНГ РОЗИЛИГИ

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг 2023 йил ҳамда яқин истиқболдаги устувор мақсадларини белгилаб берди. Бу мақсадларга эришишнинг асосий омилли давлат ва халқнинг бирдамлиги, ҳамжихатлиги, фуқароларнинг давлат идоралари вакилларидан розилигидир.

Элнинг розилигига эса унга хайрихоҳ ва кўмакчи бўлиш, ҳар бир инсоннинг оғирини енгил қилиш, яхши-ёмон кунларда халқ орасида бўлиб, одамларнинг ташвишини енгиллатиш билангина эришиш мумкин. Шу боис барчамизнинг зиммамизга, аввало, инсонга эътибор қаратишдек шарафли вазифа қўйилди. Ҳеч шубҳасиз, тараққиётимизнинг янги босқичида Президентимизнинг тизим фаолиятини такомиллаштиришга

қаратилган ташаббуслари самараси ўлароқ, ҳар жиҳатдан ўзгариб бораётган прокуратура органлари бу каби масъулиятли вазифаларни самарали амалга ошириш учун барча имкониятга ва зарур салоҳиятга эга. Фаолиятимизнинг айрим йўналишларида эришилаётган натижаларнинг ўзи ҳам бунга асосдир. Бу ҳақда гапиришдан олдин истиқлол йилларида ислохотларга ҳамоҳанг тарзда прокуратура органларининг

фаолияти ҳам такомиллашиб борганини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Хусусан, 1992 йилда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги дастлабки Қонунга мувофиқ, прокуратура фаолияти ўша кезлардаги вазиятдан келиб чиқиб, жазолаш функциясига устувор аҳамият қаратилган ҳолда ташкил этилган. Кейинчалик идорамиз фаолияти тубдан ислох қилиниб, прокуратура жазолашчи орган эмас, балки том маънода инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминловчи идорага айланди. 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда бунинг барча ҳуқуқий асослари мустақкамланди.



Мушоҳада

Буни охириги бир неча йилда 40 дан зиёд меъорий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларнинг таъйин ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилингани мисолида ҳам кўриш мумкин. Шуларга мос ҳолда мазкур йўналишдаги ислохотларни тизимли давом эттириш, БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил рўйбга чиқариш учун 2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳасида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур тасдиқланди. Айни чоғда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мажбурий гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жорий этилди. Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам аёлларга муносиб шароит яратиш, улар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масаласи муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб қўйилган.



Халқ вакиллари ҳудудларда

АҲОЛИНИНГ ҲАЁТИЙ ЭЪТИЁЖЛАРИНИ БИЛИШИМИЗ ЗАРУР

Инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эътиёжларини яхши билиш зарур бўлади.

Айни шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайланган округларида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Хўш, муаммолар қай даражада ҳал этиляпти? Парламент қўйи палатаси депутати Урол Урозбоев

Шароф Рашидов туманидаги "Эски Ташкентлик", "Саройлик", "Яхтанлик", "Тараққиёт", "Бобур", "Туёкли", "Бўстон", "Кораянтоқ" ва "Халқобод" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, аҳоли билан мулоқотга киришди.



Сўнги йилларда олийгоҳларимиз 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етди, камров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди.

Жорий йилда олийгоҳ талабалари учун имтиёзли таълим кредитларига ресурслар 2 баробар кўпайтирилиб, 1,7 триллион сўм ажратилади.

Ўтган йилда илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу — 2017 йилга нисбатан қарийб 6 баробар кўп, дегани.

Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробар оширилди. Буларнинг барчаси ҳисобидан нано ва биотехнологиялар, рақамли геология каби 18 та янги илмий йўналиш ташкил этилди.

2023 йилда илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидан.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидан.

ГЕНДЕР АУДИТ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА КЕНГ ВА ТЕНГ ИМКОНияТЛАР ЯРАТИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Оила ва хотин-қизларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг муаммоларига тизимли ечим топиш, оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида энг куйи бўлин — маҳалла ва хонадонга кириб борадиган вертикал тизим яратилди. 9 минг 349 та маҳаллада бевосита Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси тизимига бўйсунувчи хотин-қизлар фаоли лавозими жорий қилинди.

Хотин-қизлар масаласида ягона ёндашув асосида вазирилик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси тузилди. Ушбу фаолиятни куйи тизимга яўлга қўйиш мақсадида маҳаллий Кенгашларда ҳудудий комиссиялар ташкил этилди. Барча вазирилик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маҳалла кенгашлари иш бошлади.

Шу каби сай-ҳаракатлар бугунга келиб ўз самарасини бера бошлади. Масалан, вазирилик ва вазирилик тенглаштирилган лавозимларда хотин-қизлар тулиши 2018 йилда 2,9 фоизни ташкил этган бўлса, айни вақтда бу кўрсаткич қарийб икки бараварга ошди.

Янги тушунча ва уни амалга ошириш механизмлари

Гендер аудит моҳиятига кўра "ижтимоий аудит" бўлиб, у аънанвий "молиявий аудит" дан фарқи равишда "сифат аудити" тоифасига кириди ҳамда фақатгина молиявий ҳисоботлар ва ҳолатни эмас, балки ташкилотнинг бошқарув жараёни ва барча даражадаги ижтимоий муносабатларда гендер тенглик нормаларига амал қилинишини ҳам тафтиш қилади. Гендер аудит аксарият ривожланган мамлакатларнинг шу йўналишдаги сиёсатида алоҳида ўрин тутди.

Маълумки, 1999 йилда Аёллар тараққиёти комиссияси (Commission on the Advancement of Women — CAW) томонидан Гендер интеграцияси концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, у тўрт таркибий қисмдан иборат: сиёсий ирода, техник имконият, жавобгарлик ёки масъулият, корпоратив маданият. Ушбу тўрт элемент гендер аудитнинг барча даражаларида ўрганилади ва баҳоланади.

Дейлик, бирон ташкилотда гендер аудити олиб борилаётган бўлса, унда куйидаги саволларга жавоб изланади:

- ташкилотда ўз қарорларини қабул қилиш ва амалга оширишда гендер тенглик тамойилини таъминлаш учун қай даражада сиёсий ирода кўрсатилади?
- қабул қилинган қарорларни ижро этиш учун қандай техник имкониятларга эга?
- гендер тамойилини таъминлаш ва гендер бюджетлаштириш жараёнига ташкилот қай даражада масъулият билан ёндашмоқда?
- ташкилотда аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мақсада корпоратив маданиятга қай даражада синдирилган?

Табийки, гендер аудит ўтказишнинг ўз механизмлари мавжуд. Гендер аудитини ўтказиш, мuddати, тартиби бўйича кўплаб халқаро тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан тайёрланган тавсияларда фуқаролар жамиятининг мустақил институтилари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, катта корхона ва ташкилотлар учун гендер аудитни куйидаги беш

босқичда амалга ошириш тавсия этилади:

- гендер аудит жараёнига тайёр-гарлик кўриш ва аудиторлар гуруҳини шакллантириш;
- аудитнинг бошланғич босқичи;
- гендер аудит жараёни;
- аудитни тугатиш;
- аудитдан кейинги жараёнлар.

Гендер аудит кадрлар сиёсати ва инсон ресурслари, бюджетлаштириш ва оиллик маошни белгилаш, хизмат сафари, иш майдонини режалаштириш, иш тартиби ва вақтларига нисбатан гендер ёндашув ва бошқа йўналишларни тафтиш қилади.

Қонунчилик замон талаби асосида такомиллаштирилди

Гендер стратегияси ижросини таъминлаш мақсадида "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги Қонун 2022 йилнинг 15 декабрь куни қабул қилинди. Бу ҳужжат билан "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритилди.

Унга кўра, аввало, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, шу жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиш ҳолатини, шунингдек, гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш ва баҳолаш фаолияти гендерга оид аудит сифатида қайд этилмоқда.

Гендерга оид аудитни ўтказишнинг асосий вазифалари сифатида эса куйидагилар белгиланмоқда:

- давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркеклар сонининг нисбатини ўрнатиш;
- давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятини гендерга доир комплекс ёндашув асосида ташкил этишнинг ҳолатини ўрнатиш;
- шу йўналишдаги қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолатини баҳолаш;
- тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш.

Шунингдек, гендерга оид аудит уч йиллик режага асосан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Гендерга оид аудит натижаларига доир ахборот ва тақлифлар Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика комиссиясига юборилади. Республика комиссияси гендерга оид аудит натижасига доир ахборотни ва тақлифларни бир ой ичда кўриб чиқади.

Республика комиссияси гендерга оид аудит натижаларига доир ахборотни ва тақлифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига, жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришда гендерга доир комплекс ёндашувни босқичма-босқич жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади.

Гендерга оид аудит натижалари тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Умуман олганда, гендер аудитнинг кенг табиқ этилиши юртимизда опа-сингилларимизга кенг ва тенг имкониятлар яратишга кафолатлашдан ташқари, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги имижини янада оширишга хизмат қилади.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси.

ЭЗГУ ҒОЯЛАР ИЖОБАТИ



Хадемай бу хоналар табиий газ, электр энергияси, сув тармоқларига уланади. Кооперацияга дастмоа учун 90 миллион сўм субсидия ажратилди. Бу маблағга зарур жиҳозлар, хомашё харид қилиниб, иш бошланади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 15 та фермер хўжалигининг минг гектар галла ва пахта майдонлари учун 2 миллион дондан "Олтинкўз" ва бракон, 10 килограмм трихограмма тайёрлаб берилса ҳам 799 миллион сўмдан зиёд фойда олинади. Бу эса кооперациянинг ҳар бир аъзосига ўртача 4 миллион сўм атрофида оиллик маош тўлаш имконини беради. Яъни ишлаб чиқариш учун бино, имконият, дастмоа бор, тайёр маҳсулотни сотиб олуви бор. Фақат куч-гайрат ва илм билан ишлаш керак, холос. Иссиқхоналар учун янги биоматериаллар тайёрлаш йўлига қўйилса, кооперация фақат галла-пахта мавсумида эмас, йил бўйи ишлайдиган бўлади.

Урганишлар натижасида ишсизлиги аниқланган 125 нафар мурожаатчига субсидия асосида тикув машиналари, пишириқ пишириш печлари ажратилган уларнинг уйида ишлаб даромад топиши учун яна бир қўшимча имконият бўлди.

Ватанпарвар маҳалласида яшовчи 48 ёшли Наргиза Раҳимова йигирма йилдан бери, 33 яшар қўшниси Гулшод Қўрбонова эса ўн йилдан бери

эски тикув машинасида ишлаб келарди. Наргиза опа кўрпа-тўшак, ёстиқлар, бешик анжомлари тайёрласа, Гулшод асосан, хотин-қизлар учун кўйлак ва камзуллар тикиб беради. Эски тикув машинаси анчадан бери



якши ишламаслиги боис буюртмалар камайиб кетганидан сал ўйланиб юрган икки аёлга ҳам субсидияга янги тикув машинаси берилгани уларга чиндан Янги йил байрами совғаси бўлди.

Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари орқали 106 та лойиҳага 3,3 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилган қарор қилинган бўлса, шундан 38 нафар мурожаатчига 1,3 миллиард сўм кредит берилиши таъминланди.

Йўлар таъмири, электр энергияси, ичимлик суви, суюлтирилган газ ва

қўмир таъминоти каби аҳолининг энг бирламчи ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ қатор масалаларга ҳам жойида ечим топилди. Хусусан, Мустақиллик, Дўрмон, Зинахос, Олчин каби маҳаллалардаги 21 километр тупроқ кўчалар таш йўлга айлантирилиши билан аҳолининг узоғи яқин, йўли раван бўлди.

Таянч, Мангулик, Мустақиллик, Истиклол, Тома сингари қишлоқ маҳаллалар 8 та янги трансформатор ўрнатилиб, 220 та эскирган симёғоч бетон устунларга алмаштирилди, қарийб 20 км. янги тармоқ тортилди. Натижада 900 та хонадон янада чароғонлашди. Бу жараёнда яна бир янгилик — "темир дафтар"га қўйилган 37 та оила хонадонлари "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағлари ҳисобидан сув иситиш қурилмасио қўёш панеллари билан таъминланди.

Аҳоли талабидан келиб чиқиб, қарийб 10,5 минг донга суюлтирилган газ баллонни алмаштирилган бўлса,

2 215 тонна қўмир олиб келиниб, эҳтиёжманд оилаларга тарқатилди. Ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ қатор масалалар ҳам жойида хал қилинди. Айтилик, Гулгунча маҳалласи Урганч кўчасидаги 20 дан зиёд хонадонларда яшовчилар сув таъминотидаги авария ҳолатларидан зада бўлган, айни шу масалада мазкур ҳудуддан ариза-шикоят ҳам кўп эди.

Урганишлар асосида, "Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамияти ҳисобидан "Гулгунча"нинг Урганч кўчасида ўтган асрнинг 70-йилларида ўрнатилган ва табиийки, бугун буткул эскирган сув

тармоғини янгилаб бериш ишларига киришилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона йўли" ғояси таълим тизими ҳодимлари билан мулоқотларнинг ҳам бош мавзуси бўлди. Айни шу мулоқотлар натижасида Хонқадаги 30 та мактабга жами 900 миллион сўмлик электрон доскалар ва компьютер жамланмалари топширилиши билан энди туманининг барча 52 та мактаби тўлиқ шундай замонавий таълим жиҳозларига эга бўлди.

Табий қўриқлар натижасида хасталик аниқланган 146 нафар бемор виллоят ва туман шифохоналарига ётқизирилган бўлса, ноғиронлиги бор 63 нафар инсон аравачалар ва реабилитация воситалари билан таъминланди. Оғир турмуш шароитидаги хотин-қизлар ва ёшлар муаммоларини хал қилиш, ижтимоий ҳиммага муҳтож инсонлар йў-жойларини таъмирлаш, аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш учун маҳаллий бюджетдан 1,5 млрд. сўм ажратилди. Боқувчисини йўқотган, оғир шароитдаги 73 нафар аёлнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Умуман айтганда, давлатимиз раҳбари топшириғи асосида тузилган Республика ички гуруҳининг Хонқа туманидаги фаолияти бир ҳақиқатни яна бир бор исботлади: аҳолини йўлантираётган аксарият масалаларни куйи бўғинда хал қилса бўлади, фақат бунинг ички имкониятларини излаб топиш, барча тизимдаги куч ва сайёҳаракатларни бириктириш лозим.

Хонқанин 44 та маҳалласида "Оққўрғон таърибаси" асосидаги ўрганишлар давомида аниқланган 6 260 дан зиёд масаланин 4,5 мингдан ортиғи жойида хал қилинган бўлса, қолган муаммолар бўйича "Йўл харитаси", туман, сектор ва маҳалла даражасидаги ҳар бир раҳбар, ҳар бир масъулнинг ҳар ҳафталик иш режаси ишлаб чиқилад, назоратга олинди. Бу борадаги вазифалар натижадорлиғи эса улар фаолиятига баҳо беришда асосий мезон бўлади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

АҲОЛИНИНГ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ БИЛИШИМИЗ ЗАРУР

Учрашув мобайнида дастлаб давлатимиз раҳбарининг парламент ҳамда халқимизга йўллаган Мурожаатномасининг мазмун-моҳияти батафсил тушунирилди, фуқаролар муаммолари тингланди. Аҳолини йўлантирган масалаларнинг айримлари жойида хал этилган бўлса, айримлари депутат назоратига олинди.

Депутат Мухтор Ҳожиматовнинг Наманган шаҳридаги сайловчилар билан учрашуви ҳам самарали бўлди. У дастлаб ҳудуддаги 79-мактабга таълим ташкилотига бўлиб, муассаса фаолияти ва тарбияланувчиларга яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Ҳозирги кунда 120 болани ўз бағрига олган давлат мактабга таълим ташкилоти 2022 йилда фаолият бошлаган. Бу ерда болақонлар учун барча шароит бор, хоналар ҳам иссиқ.

Шундан сўнг халқ вакили ҳудуддаги 4-уйда яшовчи аҳоли мурожаатини жойига чиқиб ўрганди. Шаҳар уй-жой коммунал хизмати бўлими, кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи ширкат вакиллари билан биргаликда муаммолар кўриб чиқилди. Унинг ертўла қисмидаги сув, канализация тизимидаги носозликлар 1-қаватда жойлашган тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда бартараф қилишга келишилди.

Мулоқотлар давомида фуқаролар томонидан бошқа масалаларга оид келиб тушган мурожаатлар тегишли ташкилот вакиллари иштирокида ижобий хал этилди. Қонунчилик палатаси депутати Наврўз Ризаев халқ билан яқиндан мулоқот қилиш

мақсадида Ургут туманида бўлди. Дастлаб ҳудуддаги 37-умумтаълим мактабининг иситиш тизими билан боғлиқ масала ўрганилди. Иситиш печига насос олиб бериш масаласи туман халқ таълими бўлимига йўналтирилиб, мазкур масала тезда хал этилган бўлди.

Шундан сўнг депутат "Терсак" МФЙдаги фуқароларнинг трансформатордаги носозлик билан боғлиқ мурожаатини жойига чиқиб ўрганди. Ушбу масала туман электр тармоқлари мутахассислари томонидан бартараф қилинди.

Тумандаги "Хўжайдук" МФЙда трансформатор этишмаслиғи билан боғлиқ муаммо ҳам тегишли мутасаддилар билан бирга жойига чиқиб ўрганилди. Депутат ушбу масалани ўз назоратига олиб, мутасаддилар билан биргаликда муаммони хал этиш чоралари кўрилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мадина Баратова Бўхоро шаҳридаги бир қатор тиббиёт муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолиятини кўздан кечирди. Бўхоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази зарур диагностика ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Ҳозирги кунда марказ 225 шифо ўрнига эга бўлиб, бу ерда 789 нафар тиббиёт ходими фаолият юритмоқда.

Депутат ушбу шифохонанинг гематология ва гастроэнтерология бўлимида даволанаётган болалар ҳолидан хабар олиб, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашди. Шифокорлар билан ўтган мулоқотда Мурожаатнома моҳияти ва тиббиёт соҳасидаги янгиликлар ҳақида маълумотлар берилди.

Халқ вакили мулоқотлар давомида бу ерда даволанаётган беморларни йўлантираётган масалалар билан ҳам қизиқди. Фуқаролар томонидан кўтарилган айрим мурожаатлар ижобий хал этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ваҳобжон Муродқобиллов Нарпай туманидаги бир неча маҳаллаларда бўлиб, хусусан, "Беклар" МФЙда фуқаролар мурожаатларини тинглади, аҳоли томонидан кўтарилган масалаларга ижобий ечим излади.

Мазкур маҳалла учта катта қишлоқдан иборат бўлиб, бу ерда уч мингдан ортиқ фуқаролар истиқомат қилади. Учрашув чоғида фуқаролар маҳалла ҳудудида янги мактабга таълим муассасаси қуриш тақлифни билдирди.

В. Муродқобиллов ушбу масалани маҳалла фаоллари, сектор раҳбарлари билан ўрганиб, мурожаат ечими бўйича зарур чоралар кўришини маълум қилди.

Шунингдек, депутат сектор раҳбарлари ҳамда тегишли масъуллар билан биргаликда тумандаги "Мирбозор деҳқон бозори"да озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси фаолияти билан ҳам танишди. Бозордаги маҳсулотлар нарх-навосининг асосий ошиб кетишига йўл қўймадик, савдо жараёнида санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этилиши юзасидан туман масъулларига тегишли кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди.

Парламент кўйи палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Қулайлик

57 та маҳалла маъмурий бинога эга бўлди

Бўхоро вилояти Пешку туманида ижарада ёки мостлаштирилган бинода турган маҳалла фуқаролар йиғини сон яна биттага камайди. Хўрама маҳалласининг замонавий қиёфадаги маъмурий биноси фойдаланишга топширилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 180 миллион сўм сарфланди.



Бу сўнгги бир йил давомида туман маҳаллалари учун тамоман қайта қурилган ўнинчи иншоотдир.

Этиборлики, бу ерда ҳодимларнинг иш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган қулайликлар яратилди. Хоналар замонавий алоқа воситалари, мебеллар билан жиҳозланган. Энди ҳамма гап яратилган қулайликлардан оқилона фойдаланиб, одамларнинг уй-ташвишларини енгиллаштиришда қолди.

Умуман, яқун топган 2022 йилда вилоятда фаолият кўрсатаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Маълумотларга кўра, жами 57 та маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Истам ИБРОХИМОВ
(«Халқ сўзи»).

САНОАТ РИВОЖИДА ТЎҚИМАЧИЛИК УЛУШИ ОРТМОҚДА

2022 йил якуни билан Самарқанд вилоятида ялли ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 105,6 фоизга, саноат маҳсулотлари 107 фоизга, ҳудудий саноат эса 107 фоизга етди. Вилоятда айни пайтда 9 минг 351 та саноат корхонаси бўлиб, улар томонидан ўтган йилда 586,1 миллион долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилди. 175 та корхона эса илк бор экспортга жалб қилиниб, улар 41,5 миллион долларлик маҳсулот сотишга эришди.

Жараён

Бунда тўқимачилик саноатининг ҳам улуши катта. Тўқимачилик саноати хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги корхоналарни ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳсулот экспортида ҳам етакчи тармоқлар қаторида. 2022 йилда Самарқанд вилояти тўқимачилик саноатида 510,5 миллиард сўмлик 38 та лойиҳа ишга туширилиб, 2 мингга яқин иш ўринлари яратилди.

— Бугунги кунда Самарқанд вилоятида мингга яқин тикув-трикотаж корхоналари мавжуд бўлиб, уларда 24 мингга яқин кишининг бандлиғи таъминланган, — дейди "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси Самарқанд филиали директори Дилшод Тўраев. — 2023 йилда 240 миллион долларлик

маҳсулотларни ташки бозорга чиқаришни ўз олдимида мақсад қилиб олганми. Ўтган йилда 50 фоизга яқин пахта толаси қайта ишланди. 2026 йилга бориб бу рақам 100 фоизга етади.

Самарқанд туманидаги "СамРафот-текстиль" масъулияти чекланган жамияти ҳам вилоятдаги йирик тўқимачилик қувватларидан бири саналади. Ички ва ташқи бозорда харидоригр бўлган момик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонада 400 га яқин киши доимий иш билан банд. Цехларга замонавий ускуналар ўрнатилган бўлиб, маҳаллий хомашёдан кунига 10 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариламоқда. Аҳамиятлиси, маҳсулотларнинг 80 фоизи экспортга жўнатилади.

Дарвоқе, корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулотлар турини кенгайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш мақсадида қўймати 56 миллиард сўм бўлган янги лойиҳага қўл урилди. 2022 йилда мазкур лойиҳанин биринчи босқичи ишга туширилди. Иккинчи босқичи эса жорий йилда ишга тушириш мўлжалланган.

— Ўтган йилда кесадиған, тикадиган қўшимча ускуналар олиб келинди, натижада юзга яқин иш ўринлари яратилди, — дейди корхона бўлим бошлиғи Ҳаким Содиқов. — 2023-2024 йилларда яна янги лойиҳаларимиз ишга тушади. Бу лойиҳаларда биз парда, толь маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Шунингдек, қўшимча 500 та янги иш ўрни яратамиз.

Жомбой туманидаги бўш турган майдон ўрнида ҳам янги текстиль корхонаси қад ростлади. Яқин кунларда ишга туширилиши кўзда тутилган мазкур лойиҳанин қиймати 350 миллиард сўм бўлиб, корхонада пахта хомашёсидан ип-калина ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Айни пайтда хорижлик мутахассислар томонидан корхона цехларига замонавий дастгоҳлар ўрна-



тилиб, монтаж ишлари якунланмоқда. Қишлоқ ҳудудида иш бошлайдиган корхонанин фойдаланишга топширилиши билан 300 дан зиёд хотин-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлади.

Вилоятда тўқимачилик саноатини ривожлантириш борасида янги 2023 йилда ҳам истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган. Унга кўра, 3 ярим мингга яқин иш ўрнига эга

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

АСОСИЙ МЕЗОН — ҚОНУНИЙЛИК, ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА ЭЛНИНГ РОЗИЛИГИ

Уш а йили Бош прокуратура хузурида иқтисодий соҳасидаги қонунбузарликларга қарши курашишга иختисослаштирилган Департаментнинг ташкил этилиши фаолиятимизни тақомиллаштириш йўлидаги навбатдаги қадам бўлди.

Шуни яна бир бор алоҳида қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбари асос солган тараққиётимизнинг янги босқичида жамиятда адолатли қарор топтириш, қонунийликни мустақамлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кенг қамровли ва мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз прокуратура органлари фаолиятини тубдан тақомиллаштиришнинг бевосита ташаббускори бўлганлиги эса бутун тизим учун шарафдир.

Зотан, сўнгги олти йилда прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ 20 дан ортиқ қонун, фармон, қарор ва фармойишлар қабул қилинди.

2017 йилда Бош прокуратура Республикаси прокуратураси органлари ходимлари қўнини касбий байрам сифатида нишонлаш белгиланди. 2017 йил 29 майдаги Фармон билан Бош прокуратура хузурида Маъбурий ижро бюроси ташкил этилгани ҳам юксак ишонч ва эътиборнинг яна бир намунаси.

Умуман олганда, прокуратуранинг кейинги йилларда қонунийликни қатъий мустақамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб бораётгани янги тараққиёт босқичининг маъсулидир.

Мухими, бугун мамлакатимизда кечаётган ҳаётбахш ўзгаришларга прокуратура органлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда ва бунинг учун барча имкониятлар яратиб берилди.

Биргина Утган йилда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустақамлаш мақсадида 140 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган, 278 минг нафар фуқароларни ҳуқуқлари тиклангани ва бу борадаги кўрсаткичлар ижобий томонга сезиларли равишда ўзгариш ҳам бунинг далилидир.

Қолаверса, 46 мингдан ортиқ ноқонуний ҳужжатлар прокурорларнинг протестлари асосида қонунга мувофиқлаштирилди, тегишли идораларга 24 мингга яқин тақдирнома киритилди.

Қонун талабларини бузган 53 мингга яқин шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузи-

лиши ҳолатлари юзасидан қарийб 7 мингдан ортиқ жиноят ишлари қўзғатилди, 2 трлн. 146 млрд. сўмлик зарарлар ундирилди.

Бу ишлар, энг аввало, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш орқали амалга оширилаётган тарихий ислохотларни рўйбга чиқаришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, прокурорларнинг сайб-ҳаракатлари билан секторлардаги 161 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилага ҳар томонлама қўмак кўрсатилди. Қўсқа мuddатда мазкур оилаларнинг қарийб 96 фоизи маҳаллий Кенгашлар қарорлари асосида эҳтиёжмандлар рўйхатидан чиқарилди.

Фаолиятимиз кўламининг кенгайиб бораётганини инобатга олиб, Бош прокуратура тарихини тақомиллаштириш ҳақидаги ташаббусларимизнинг Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда тизимда маданий мерос ва спорт, тадбиркорлик ҳамда инвестиция, қурилиш, ер ресурслари талон-торқ қилинишининг олдини олиш, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни таъзия ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳаларида қонун устуворлигини таъминлашга маъсул бўлган янги бўлинмалар ташкил этилди.

Мамлакатда криминоген вазият барқарорлигини, аҳолининг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш борасидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Ҳамкор тузилмалар иштирокида қўрилатган чоралар натижасида ўтган йилда мамлакатдаги жами маҳаллаларнинг 34 фоизидан ёки ҳар учтадан биттасида умуман жиноят қайд этилмагани эътиборга моликдир.

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш — давр талаби. Шу боис ҳар бир вазирлик ва идора ҳамда маҳаллий ҳокимликлар кесимида коррупциявий ҳолатлар бўйича чуқур таҳлиллар мунтазам ўтказилмоқда, аниқланган муаммо ва камчиликлар, қонунбузарликлар жойида, қолаверса, махсус ҳайъатлар йиғилишларида, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашида танқидий муҳокама қилинмоқда.

Албатта, бу борада муайян натижаларга эришилаётган бўлса-да, коррупцияни таг-томири билан йўқотиш учун ҳали кўп иш қилишимиз лозим. Бунинг учун биринчи қада тизимнинг ўзини коррупциядан бутунлай ҳалос этишга қаратилган кескин

чоралар кўрилмоқда ва бу ҳақда кенг жамоатчилик мунтазам хабардор қилиб борилмоқда.

Айни пайтда коррупция учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш боробарида, ҳар бир соҳа, тармоқ ёки ҳудудда таъсиричан, самарали профилактик назорат тизимлари яратилмоқда. Ушбу ишларга маъсул вазирлик ва идоралар, айниқса, кенг жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаол жалб этилаётгани ўз натижасини бермоқда.

Судларда фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий ишлар қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, жиноят ишлари бўйича судларнинг 2811 нафар шахсларга оид қарорларидаги хатоликлар прокурорлар протестлари асосида бартараф этилди.

Фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларнинг ҳам мингта яқин қарорлари қонунга мослаштирилишига прокурор протестлари сабаб бўлди.

Шунингдек, ягона суд амалиётини шакллантиришда судларга қўмақлаштириш мақсадида Олий суд Пленумига 30 дан зиёд таклифлар киритилди.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида таъкидланганидек, бу борадаги фаолиятимиз ҳам тубдан тақомиллаштирилади, хусусан, судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўйича алоҳида прокурорлар корпуси шакллантирилади.

Албатта, прокурорлар корпуси соҳада зарур малака ва кўникмаларга, етарли таҳрибага эга бўлган иختисослашган ходимлардан таркиб топиб, судларда прокурор иштироки самарадорлигини тубдан оширишга ҳизмат қилади.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, қонунчилик ташаббуси асосида барча соҳаларда ҳуқуқни қўллашдаги муаммоларни ҳал қилиш, қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Утган йили ўтказилган чуқур таҳлиллар натижасида мавжуд муаммоларни бартараф қилиш хусусида тегишли инстанцияларга 330 дан ортиқ ахборот киритилгани, қарийб 60 дан зиёд қонун ҳужжати лойиҳалари тайёрланиб, уларнинг аксарияти амалиётга ҳам жорий қилингани бунинг далилидир.

Халқ билан очиқ мулоқот, фуқароларнинг дарду ташвишларига малҳам бўлиш, муаммоларини жойида ҳал этиш проку-

ратларнинг қўндалик ишига айланди.

Утган йилда 265 мингдан ортиқ фуқароларнинг мурожаати бевосита прокуратурада ҳал этилди, 11 млрд. сўмлик иш ҳақи ва бошқа тўловлар ундириб берилди.

Мамлакатнинг барча ҳудудда, айниқса, чекка ва олис қишлоқларда ҳодимларимиз томонидан сайёр қабуллар ташкил этилиб, минглаб фуқароларнинг муаммоларини ҳал қилишга қўмақлашди.

Ҳарбий прокуратура ходимлари ҳам Куролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш чораларини кўриб борди.

Утган йилда Ҳарбий прокуратура томонидан мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжати қўлланилиб, 10 минг нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг Ҳарбий прокуратура фаолиятини тақомиллаштиришга доир алоҳида Фармони қабул қилингани эса тарихий аҳамиятга моликдир.

Транспорт прокуратураси томонидан соҳада қонунийликни таъминлаш бўйича 4 мингтадан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, минг нафарга яқин фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва Маъбурий ижро бюроси ҳам кенг қўламадаги ишларни бажармоқда.

Департамент ходимлари томонидан ўтган йилда бюджетга 3,9 трлн. сўмга яқин маблағ қўшимча ҳисобланиб, унинг қарийб 918 млрд. сўми ундирилди. Мингта яқин яширин цех фаолиятига чек қўйилди, ноқонуний муомаладаги қарийб 1 млн. АҚШ доллари ва 40 млрд. сўм олиб қўйилди.

Шу билан бирга, 633 нафар рўйхатдан ўтмаган тадбиркорнинг фаолияти легаллаштирилди.

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш, айниқса, аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотларни етказишда ҳам Департаментнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бюро тизимида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизнинг сайб-ҳаракатлари билан ижро ҳужжатлари асосида қардорлардан қарийб 30 трлн., жумладан, бевосита бюджетга 12 трлн. сўм ундирилди.

Янги тизим асосида тегишли дафтарларга киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун 578 млрд. сўм маблағ йўналтирилгани ҳам Бюронинг муносиб ҳиссаси бор.

Кейинги пайтларда хорижий ҳамкасб-

ларимиз билан фаол ҳамкорликка устувор аҳамият қаратилмоқда. Утган йили Бош прокуратурада 40 дан ортиқ нуфузли хорижий ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ўтказилиб, ўзаро ҳамкорлик ҳақида муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Зиммамиздаги вазифалар ижросини тўлақонли таъминлаш, энг аввало, фаолиятимизни бугунги шиддатли ўзгаришларга мос равишда ташкил этишга чамбарчас боғлиқ.

Шуни инобатга олган ҳолда прокуратурада штат бирликларини мақбуллаштириш, фаолиятга рақамли технологияларни кенг жорий қилиш ишларини изчиллик билан давом эттирмоқдамиз.

Бугунги кунда бутун идора тўлиқ электрон иш юритиш тизимига ўтказилган, бошқа идораларнинг ахборот тизимларида ҳам фойдаланиш имкониятлари яратилган.

Фаолиятимизда ошқораликни таъминлаш, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Прокуратура органларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари кенг жамоатчилик учун муҳим ахборот манбаига айланди.

Ходимларнинг билим ва малакасини ошириш ишлари доимий диққат марказимизда бўлмоқда. Хусусан, ўтган йили Бош прокуратура Академиясида қарийб 4 минг нафар ходимлар малака оширди.

Президентимизнинг Фармони билан Бош прокуратура Академияси негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофазат қилиш академияси ташкил этилгани то мана унда тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Эндиликда барча суриштирув ва тергов идораларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги кадрлари ушбу академияда тайёрланади, малакасини оширади.

Кенг қўлама ишларимизга муносиб ҳисса қўшаётган фахрийларимиз алоҳида эътибордадир.

Утган йили 600 нафардан зиёд фахрийларимизни тиббий кўриқдан ўтказиш, соғлигини тиклаш ва бепул дори-дармонлар билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Элгиз яшаётган фахрийларимизнинг ҳридан ҳар ойда мунтазам равишда хабар олинмоқда.

Шу ўринда прокуратура ходимларига пенсия тайинлаш ва тўлашнинг алоҳида тартиби амалиётга тўлиқ жорий этилган-

Янги Ўзбекистоннинг мустақам қалқони

Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмда бўлиб ўтган навбатдаги учрашув ҳам ҳарбий хизматчиларга эҳтиром рамзи сифатида ташкил этилди. Самимий мулоқотда мамлакатимизда кейинги йилларда замонавий, ихчам ва қудратли миллий армияни шакллантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар хусусида сўз юритилди. Куролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти яшиланиб, мудофаа қудратимиз тобора мустақамлашаётгани ҳамда ҳарбийларимиз тинч-осойишта ҳаётимиз кафолати тимсоллари сифатида намоён бўлаётгани эътироф этилди.

— Байрам муносабати билан Фарғона вилояти ҳокимлиги, Шарқий ҳарбий округи ва бошқа тегишли мутасадди идоралар билан ҳамкорликда алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилояти бўлими раҳбари Маъсуджон Сулаймонов. — Айни кунларда “Аскар оналарини шарафлаймиз”, “Мардлар қўриқлайди Ватанини”, “Миллий армия — фахримиз, гуруримиз”, “Уч авлод учрашув” сингари маънавий-маърифий тадбирлар уюштириляпти.

Ўз навбатида, таълим муассасалари, жамоатчилик фаолларининг ҳарбий қисмларга саёҳатлари ташкил этилаётди.

Сурхондарё вилоятида “Менинг фарзандим юрт ҳимоячиси ва армия илғори, маҳалламиз ифтихори” мавзусидаги тадбир ҳам шонли санага бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Сурхондарё ва Жиззах вилояти ҳокимликлари ҳамкорлигида уюштирилган ушбу телемулоқотда Жануби-Фарбий махсус ҳарбий округининг Хайробод, Марказий ҳарбий округининг Жиззах гарнизонларида мuddатли ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган аскарлар ҳамда уларнинг ота-оналари, яқинлари телекўприк орқали дийдорлашмиш имкониятига эга бўлди. Мулоқотда мuddатли ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат чоғида маънан ва жисмонан тобланиб, эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зулхумор Хидирова, Жанубий оператив қўмондонлиги хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси, Куролли Кучлар хизматчиси Дилором Адилова ҳамда бошқалар сўз олиб, сўнгги йилларда мамлакатимиз Куролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида атрофича фикр юритди. Миллий армиямиз сафларида йиғитлик бурчини шараф билан ўтаётган мuddатли ҳарбий хизматчилар ва уларнинг ота-оналарига чуқур миннатдорлик билдириб, уларни Ватан ҳимоячилари қўни билан муборакбод этди.

Учрашув якунида Термиз гарнизонида хизмат қилаётган мuddатли ҳарбий хизматчиларга Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг совгалари топширилди.

(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида байрам тадбири ўтказилди.

Унда Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, ҳарбийлар, нурунийлар, журналистлар, ўқитувчи ва курсантлар қатнашди.

Анжуманда мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустақамлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш мақсадида миллий армиямизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани, яратилган шароитлар туфайли ҳарбий хизматчилар эришаётган ютуқлар ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида Куролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш,

уларнинг она юртга меҳри ва садоқатини оширишга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

Иштирокчилар Президентимиз ташаббуси билан бутунлай янгидан қурилган институти фаолияти, ўқитувчи-офицерлар, курсантлар учун яратилган замонавий шарт-шароитлар, ўқув даргоҳида таълим сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти Президентимизнинг 2019 йил 17 январдаги қарори билан Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети базасида ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 8 та йўналиш бўйича тактик бўғиндаги офицер кадрларни тайёрлайди.

Сўзга чиққанлар қайд этганидек, инсон қадрини улуғланаётган юртимиз-

да таълимга эътибор кучаймоқда. Ҳарбийларнинг жанговар салоҳиятини ошириш ҳам соҳа офицерларига, уларнинг илмига боғлиқ, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтидаги ўқитиш жараёни

маъзур жиҳатларни ҳисобга олиб, замонавий технологиялар асосида, янги ҳаёт шарт-шароитлари, назария ва амалиёт уйғунлаштирилган тарзда ташкил этилмоқда.

(«Халқ сўзи»).

Тадбирда бинони бугунги кун талаблари асосида таъмирлашда жонбозлик кўрсатган қурувчиларга миннатдорлик изҳор этилиб, совгалар улашилди.

Нукўс гарнизони ҳарбий оркестри томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар, Урганч гарнизонидидаги ҳарбий қисм томонидан намоийш этилган қўл жанги ва саф элементлари билан чиқишлар тадбирга ўзгача файз олиб кирди.

Яқунда “Ватанпарварлик ойлиги” муносабати билан Хонқа туманида истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож юртдошларимиз ҳридан хабар олинди, уларга ҳарбий округ қўмондонлиги ҳамда туман ҳокимлиги томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва мебель жиҳозлари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бир сўз билан айтганда, эски, аёғор ҳолатдаги объект ўрнида бугун кўркам, замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган, халқ учун хизмат қиладиган марказ яратилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат қилиб, навқирон авлодни ўз йиғитлик бурчини ўташига тайёрлаш ва келажақда ватанпарвар инсонларни вояга етказиш учун хизмат қилишга ишонч билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори томонидан яратилган мана шундай кўркам шароитлар Хонқа тумани ахли учун хизмат

ЖАДИДЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ТУЗУКЧИЛИГИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь кунин Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида жадидларнинг Ватан ҳамда миллат олдидаги хизматларини алоҳида урғулаб: “Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, гоаят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улғу мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур”, деб таъкидлади.

Нуктаи назар

Ҳақиқатан ҳам, миллат оидинлари ҳисобланмиш Туркистон минтақаси жадидлари юз йил олдин етишиб чиққан чинакам мутафаккирлар эди. Улар давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими, молия, ер эгаллиги, солиқ ва таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш учун ғоявий ва амалий ҳаракатлар олиб борди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Исроқон Ибратдек қозилк лавозимида фаолият кўрсатган тараққиётпарварлар, Убайдулла Хўжаев, Мунавварқори Абдурашидхонов каби замонавий ҳуқуқий билимларни эгаллаган жадид боболаримиз нафақат маданият ва маърифатни юксалтириш, балки сиёсий соҳалар, айниқса, қонунчилик, тузукчилик ва давлат тузиш борасида ҳам юксак салоҳиятга эга эди. Уларнинг бу борадаги билим ва фаолиятлари уч минг йиллик тарихга эга бўлган миллий давлатчиликимиз таърихида таъинган эди.

Ўзбек давлатининг илк босқичида бошқарув, суд-ҳуқуқ тизими “Авесто” да белгиланган қонун-қоидалар, тартиблар, туркий тузуқлар асосида амалга оширилган. Исломи дини кириб келиши муносабати билан эса улар шариат талаблари билан уйғунлаштириб юборилган.

Бурҳониддин Марғиновичнинг “Хидоя” асари бутун дунё мусулмон давлатларида мукаммал ҳуқуқий китоб сифатида тан олинди. Амир Темур тузуқлари эса инсонийлик, адолатчилик ва қатъийлик акс этган “Давлатчилик қомуси” сифатида эътироф этилади. “Темур тузуқлари”да давлат ҳокимияти ва идора органларининг тузилиши, уларнинг вазифалари, суд, ҳарбий ва молия-солиқ тизимини тартибга солуви бандлар ўз ифодасини топган эди.

Туркистон XIX аср охири — XX аср бошларида мустақиллик сиёсати оқибатида сиёсий, маданий, иқтисодий таназзулга юз тутди. Миллат оидинлари Россия империяси, кейинчалик унинг вориси большевиклар ҳокимияти истибродидан қутилиш, миллатни уйғотиш, сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиёт сари йўл очиб, халққа зиё тарқатиш мақсадида ислохотчилик дастурларини ишлаб чиқди. Мустама-лакчилик — улуғсиз зўравонлик, таъқиб ва назорат (цензура), зулм ва ҳақсизлик муҳитида кечган мазкур фаолиятда ҳуқуқ масаласи алоҳида аҳамият касб этган.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1907 йили ишлаб чиққан “Туркистон маданий мухторияти” лойиҳаси минтақа халқлари манфаатларининг ифодаси бўлиб, унда давлат ишларини туркий тилда юритиш, миллий идоралар ташкил этиш ва унга туркий миллатга мансуб зиёлилардан аъзолар сайлаш қатъий белгилаб қўйилган. Россия империяси таркибидagi мустамақка халқлар номидан Давлат думаси ўз билганча иш тутмаслиги, ҳар бир мамлакатнинг табиий, ижтимоий ва маданий шароитларидан келиб чиқиб, қонунлар қабул қилиши кераклиги таъкидланди. “Туркистон маданий мухторияти” лойиҳасининг биринчи бўлими “Давлат думаси хусусида” бўлиб, унинг таркибига Туркистон аҳолиси сонига нисбатан вакиллар сайланиши ва улар ўз халқлари номидан иш қўришлари белгилаб қўйилиши лозимлиги тавсия қилинди. Лойиҳада “Туркистон идорайи

рухония ва дохилия идораси”ни тузиш, унинг таркибига туркистонлик саводлик, шариат ва замондан хабардор кишиларни (идора раиси ва аъзолари) 5 йил муддатга сайлаш, шунингдек, ушбу вакиллик органи Тошкент шаҳрида жойлаштириб белгилаб қўйилди.

“Туркистон қозилари хусусида” бўлимида эса қозилик ва суд ишларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида сўз юритилди. Қозилар прокуратура идорасига эмас, Туркистон идорайи рухония ва дохилия идорасига бўйсунуши ҳамда доимий равишда унинг назорати остида фаолият олиб бориши кераклиги уқтирилди.

Маҳмудхўжа Бехбудий юқорида ташкил этилиши тавсия қилинаётган барча идораларнинг ходимлари олдида идора биносида ўтириб, қоғоз тўлдириб эмас, халқ ичида юриб, уларнинг орзу-истакларини амалга ошириш вазифасини кўйди:

“Бизни ҳозирги мансабдорларимизни хизмати фақат тўғрилик ва ёмонларни ушлаб тейиши жойига топширмақ, подшоҳлик солиқларини вақтига йиғиб бермоқ ва халқни тиш сақламоқдан иборатдур. Мундин бошқа хизматни ҳануз ақсар миллий маъмурларимиз, яъни мактаб ва мадрасаларни янгидан очилмоқига, эски ва янги мактаб ва мадрасаларни ва ўқилатурган русий, мусулмоний илм ва фунунни ривож топмоқига қилинатурган сай, юрла-турган йўллари гўё билмай-дурлар, ҳукумат ила раият орасига фавқулдда хизматни кам қиладурлар, замони келса, билсалар ва қиссалар керак ва аммо замон ҳозирги замондур”.

Лойиҳада Туркистонда истикомат қилаётган бошқа дин ва миллат вакилларининг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари белгилаб қўйилди. Маълумки, Турон заминига яшаш учун кириб келган яҳудийлар ва бошқа миллат вакилларидан жон солиғи олинган бўлиб, улар бир қатор чекловларга бўйсунушга мажбур бўлган. Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистонда яшаб турган хоржий фуқаролар ва бошқа дин вакиллари ўз урф-одатларига амал қилиб, байрамлари ва анъаналарини ўтказишлари мумкинлиги, аммо шариат қонунларига ҳурматда бўлишлари кераклигини уқтирган. Миллат оидини диний баркиренглик ташаббуси бугунги кун учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган муҳим масалалардан биридир.

Ушбу лойиҳада “Мулкий маҳкамалар” ташкил этиш бўйича ҳам асосли сабаблар келтирилиб, уларга кенг ваколатлар бериш лозимлиги қайд қилинган. Туркистоннинг иқтисодий асосларидан бири бўлган вақфлар ишларини йўлга қўйиш ва бошқариш масалалари ҳужжатда алоҳида бўлимда белгилаб қўйилган.

“Туркистон маданий мухторияти” лойиҳасида маориф ишларини уюштириш бўйича ҳам зарур тавсиялар тақ-

дим этилган. Бехбудий маориф ишлари ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий масаласи бўлиб, Россия империясидан таълим соҳасига мустақиллик бериши сўраган. Лойиҳанинг “Умум мактаблар” бўлимида мактаб ва мадрасаларни ҳуқуқат назоратидан озод қилиш, уларнинг фаолиятини кузатиб борувчи комиссия ташкил этилиши, рус тилини ўқитишни мажбурий қилиб қўймаслик таъкидланган. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг хусусий таълим ҳақидаги орзулари бугун — орадан бир ўз йиғирма йил ўтибгана янги Ўзбекистонда рўёбга чиқмоқда, хусусий боғчалар, мактаблар ва университетлар очилмоқда, уларнинг фаолият олиб боришлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Лойиҳанинг тўққизинчи бўлими “Сув ва ер ишлари”га бағишланган бўлиб, дунёнинг барча ҳудудига яшовчи мусулмонларга Туркистондан, шунингдек, туркистонликлар ҳам истаган мусулмон давлатларидан ер олиш ҳуқуқига эга бўлишлари белгилаб қўйилган. Халқ талаб қилмагунча Туркистонга аҳоли қўйрилмаслиги, ер ва сув ишлари миллий мустахассислар томонидан бошқарилиши кераклиги қайд этилган.

Ушбу лойиҳа 2-дават думасига мусулмон фракцияси томонидан тақдим этилган. Албатта, Россия империясига зид манфаатлар талаби синдирилган ушбу ҳужжат қабул қилинмаган. Орадан ўн йилча вақт ўтиб, Туркистон мухторияти Конституциясини тайёрлашда “Туркистон маданий мухторияти” лойиҳасидан фойдаланилган.

Фаргона водийси жадидлари ташаббуси билан 1917 йил мартда Қўқонда “Мусулмон маданий-маърифий жамияти”, ўша йилнинг август ойи бошларида Андижонда “Санойи ул-ислом” шўроси тuzилди. 1917 йил 12 — 14 июль кунлари Скобелев шаҳрида Фарғона вилояти мусулмон ташкилотлари вакилларининг навбатдаги йиғини бўлиб ўтди. Унда 137 нафар вакил иштирок этди. Анжуман барча мусулмон ташкилотларини сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга қақриди. Ушбу йиғиннинг аҳамияти “Турк адами марказият (федералист)” фирқасини тузиш ҳақида қарор қабул қилиниши билан боғлиқдир. Вакиллар тузулган фирқанинг маромномаси ва низономаси лойиҳаси билан қисқача таништирилди. Ушбу қонуний ҳужжатларни ишлаб чиқишда Маҳмудхўжа Бехбудий, Садриддинхон Шарифулжа ўғли, Камолитдин қози Раҳмонберди ўғли, Мулло Муҳиддин, Маҳдум аълам мулло Муҳаммад ва бошқалар қатнашди.

Маромномада “Давлат ва мухторият ташкилоти”, “Миллий масалалар”, “Диний масалалар”, “Мухториятги ўлкаларда аҳлият (фуқаролик ҳуқуқи)”, “Иқтисод ва молия масалалари”, “Ер масаласи”, “Ишчилар масаласи”, “Адлия масаласи”, “Маориф ишлари” ўз аксини топган бўлиб, мухториятга асосланган республика тузиш ва унинг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсад қилинган. Ушбу ҳужжатнинг биринчи бўлимидан қонун чиқарувчи идора — Махлиси маъбусон (Депутатлар палатаси) ва ижро этувчи идора — Ҳайъатги вуқалони (Вакиллар ҳайъати) ташкил этилиши, тузилаётган давлатнинг расмий тили эга бўлиши, республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, халқ милициясини тузиш, сайлаш ва сайланиш масалалари ўрин олган.

Маромномада фуқароларнинг ҳуқуқ деб уқтиради. Абдурауф Фитрат томонидан 1918 йили ишлаб чиқилган “Бухорода ислохот лойиҳаси” Бухоро амрлигини конституциявий монархия шароитида бошқариш тизимини тубдан ўзгартириш ҳамда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий янгиликларни жорий этишни кўзлаган эди. Унда кўтарилган ҳар бир масала Абдурауф Фитрат томонидан чуқур ва атрофлича ўрганилганлиги кўзга ташланади. Ислохот этилиши лозим бўлган соҳалардаги ҳар бир мавжуд ҳолат танқид қилиниб, унинг за-

ва эркинликлари алоҳида бўлимда ўз аксини топган бўлиб, аҳоли қайси дин ва мазаҳба бўлишидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, виждон эркинлиги таъминланиши, ҳеч ким дини, мазаҳби ва эътиқоди учун таъқиб ҳамда таъқиқ қилинмаслиги, ҳар ким ўз фикрини айтиш, матбуот ва бошқа нашрлар орқали эълон қилиш, турли жамиятлар ташкил этиш, оммавий йиғинлар уюштириш ҳуқуқига эгаллиги кабилар урғуланган.

“Иқтисод ва молия масалалари” бўлимида солиқларни, хусусан, бож солигини қисқартириш баён қилинган бўлса, “Ер масалалари”да хусусий ерлар ва мулкларни кенгайтириш кўзда тутилган.

Адлия ишларида маҳкамаларга мустақиллик берилиши белгиланган бўлиб, жазолар Депутатлар палатаси томонидан ишлаб чиқилган қонунга мувофиқ бўлиши қайд этилган.

“Турк адами марказият (федералист)” фирқаси маромномасида маориф ишларида алоҳида аҳамият қаратилган. Жумладан, эътиқоди, миллатидан қатъи назар, эркак ва хотин-қизлар билим олишга ҳақли эканликлари таъкидланиб, бошланғич мактаблар умумий, бепул ва мажбурий бўлиши белгиланган. Хусусий мактаблар очиб қўллаб-қувватланган.

Маромнома сўнггида “баён қилинган мақсадларга меҳнаткаш ва миллатпарвар ватандошларга таяниб эришиш мумкин”лиги уқтирилган бўлиб, бугунги кун учун ҳам эскирмаган заруратдир.

Маҳмудхўжа Бехбудий бошчилигида Туркистон тараққиётпарварлари томонидан тайёрланган “Турк адами марказият (федералист)” фирқаси маромномаси Туркистон мухториятининг Конституцияси лойиҳаси эди. Бу ҳужжат большевикларнинг зўравонлик ва мустамақачилик сиёсати оқибатида қорозда қолиб, амалга ошмай қолди.

Бухоро жадидчилик ҳаракатининг эркин намоёнчаси Абдурауф Фитратнинг сиёсий қарашлари ҳам анча дадил ва қатъий эди. У бутун Турон халқини ҳуқуқий саводхонликка қақриб:

“Жамиятда ўзимизнинг ҳақ-ҳуқуқларимизни бишиб муҳо-фаза қилмоғимиз, ибодатимизнинг қондалари ва тартиб-ботини билмоқ учун фикҳ (қонунчилик) илмига муҳтожмиз. Фикҳ илминин билмоққа бўлган одам фикҳ усулини ҳам яхши ўрганмоғи зарур. Зеро, фикҳ ҳужжатларини, фикҳ усул-у қондаларини ўрганмасдан туриб татбиқ этиши — бу кўр-кўрона тақ-лиддан бошқа нарса эмас”.

Демак, конституциячилик ўзбек миллати ва давлати учун кимлардир томонидан кеча “очиб берилган қўриқ” эмас, балки ўзимизнинг 3 минг йиллик тузукчилик таърихамиз ўлароқ тузилган ҳуқуқий маданиятдир. Президентимизнинг жадид боболаримизнинг ҳуқуқий қарашлари, миллий давлатчилик асосларини барпо этишга оид саъй-ҳаракатларини чуқур ўрганиш, халқимиз, айниқса, ёшларга етказиш, дунёга тарғиб қилиш бора-расидаги қақриқлари замирида ҳам мана шу тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш мақсади ётганига ишонамиз.

рарли оқибатлари кўрсатилиши билан бирга ана шу масалани қандай ҳал этиш ва ундан қулган ижобий натижалар нималардан иборат бўлиши ҳақида аниқ ва равшан фикр юритилган.

Лойиҳанинг биринчи қисмида ер эгаллиги турлари ва уларни ислоҳ қилиш масалаларига кенг ўрин ажратилган. Бунда солиқ тизимини ўзгартириш, сувдан фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалигига замонавий техника воситаларини жалб этиш каби мулоҳазалар тақдим қилинган. Лойиҳа “Вақф ерлари”, “Аскарлик”, “Молия ишлари”, “Доҳилий ишлар”, “Хоржий ишлар”, “Маориф ишлари”, “Вазирлик мажлиси”, “Баладия (шаҳар бошқармалари) мажлислари”, “Тергов этмак ишлари” каби қисмларга ажратилган.

Абдурауф Фитрат ўз лойиҳасида бошқарув тартибининг замон талаб-ларига жавоб бермай қолганлиги, мамлакат халқининг оғир иқтисодий ва маънавий қоқоқлигига сабаб бўлаётганлигини кўрсатган. Ислохот лойиҳасига мувофиқ мамлакатдаги ички ва ташқи сиёсатни 10 вазирдан иборат Вазирлар кенгаши бошқариши, вазирлар бош вазир тавсиясига кўра амирдан олинган ёрлик асосида тайинланиши керак эди. Шу билан бирга, Бухорода қатъий маъмурий бўлимишларни амалга ошириш, давлат томонидан маош билан таъминланадиган маҳаллий (бошланғич) ҳокимият тизимини барпо этиш, уларга бошчилик қилиши лозим бўлган оқсоқолларнинг халқ томонидан сайланиши зарурлиги каби масалалар ҳам олға сурилган.

Дастурда ҳарбий тизимини тубдан ўзгартириш кераклиги таъкидланган. Шунингдек, фикҳга оид масалалар шариатга асосланган бўлиши ва адлия вазирини аниқ вақтда қозилан вазифасини ҳам ўтати лозим эди. Дастурда қишлоқ ҳўжалиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, барча ҳайдаладиган ер майдонлари уч тоифага: вақф, мулк ва давлат ерларига бўлинган. Аниқ вақтда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қўлайтириш, экин майдонларини кенгайтириш ва ерни ишлашда замонавий агротехника талабларига риоя этиш каби жуда долзарб масалалар кўтарилган. Абдурауф Фитрат Бухородаги сув танқислигини бартараф этиш учун Амударё сувидан кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда фойдаланиш масаласини кўтариб чиққан. Ислохот лойиҳасида деҳқонларни иқтисодий жар ёқасига олиб борувчи судхўрликнинг қорғиш ҳамда махсус зироат банки ва ҳар бир бекликда унинг шўбеларини ташкил этиш, экинчиларга маълум даражада молиявий ёрдам кўрсатиб бориш ҳам тақлиф қилинган.

Дастурда таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, фанлар ривож ва янги усул мактаблари барпо этиш учун вақфлардан кенг фойдаланиш фикри илгари сурилган. Абдурауф Фитрат томонидан тайёрланган ислохот дастури бутун Туркистон минтақасига хос бўлган асосий муаммоларни ўзида акс эттирди ва унинг ечимини тақдим қилди. Аммо ушбу ҳужжат ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилмади, фақатгина кўп минг йиллик давлатчилик тарихимизнинг навбатдаги тараққиёт босқичи ҳақидаги муҳим қарашларни ўзида муҳассамлаштирган ҳужжат сифатида бизгача етиб қелди.

Дилноза ЖАМОЛОВА, ЎзФА Тарих институти докторанти.

Муқобил энергия

ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ — ТАЪМИНОТ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда аҳолини барқарор энергия рерурслари билан таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мазкур жараёнда босқичма-босқич муқобил энергия рерурсларидан фойдаланиш жорий этилаётди. Сир эмаски, юртимиз шароитида электр энергияси таъминотини яхшилашда қуёш панеллари энг мақбул ечимлардан биридир. Таъминотнинг ушбу муқобил турига аҳоли қизиқиши ортиб борапти.



— Хонадонимизга қуёш панеллари ўрнатилган электр, иссиқлик муаммо бўлмай қолди, — дейди Андижон вилоятининг Бўстон туманида яшовчи Абдурахмонов Сайдалев. — Чироқ ўчиб қолади деб ўчқимамиз. Қолаверса, маблағимиз 20 фоизга иқтисод қилинмоқда. Сув иситиш коллектори орқали минтаам иссиқ сув таъминотини йўлга қўйдик. Унинг афзал жиҳатлари кўп экан. Масалан, тунда ҳарорат -10 даража бўлганда ҳам термосдаги сув ҳарорати +6 — +9 даражада турар экан. Қуёш панелларидан фойдаланиш турмуш тарзимизни тубдан ўзгартириб юборди. Ваҳоланки, шу пайтгача қишлоқ шароитида жўрмақдан иссиқ сув оқиб туришини тасаввур ҳам қилмасдик. Ушбу муқобил энергия манбаидан ҳозирги кунда Бўстон туманида 125 та хонадон, 79 та ижтимоий соҳа объекти ва 7 та тадбиркорлик субъекти фойдаланмоқда.

Саминжон ҚУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Тиббиёт кластери

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Яқинда Фарғона шаҳрида фаолият бошлаган Марказий Осиё халқаро тиббиёт университетини қошидаги тиббиёт кластери ўн та замонавий даволаш ва диагностика муассасалари ҳамда радиология клиникасини бир мақсад йўлида бирлаштирди.



— Жаҳон тиббиёти таърихида ҳар бир ўқув муассасаси, ихтисослаштирилган марказ шу асосда фаолият кўрсатади, — дейди тиббиёт кластери раҳбари Нурилло Мамасидиков. — Аини пайтда “таълим — илмий иш — амалиёт” тамойилини ўзaro уйғунлаштирган ҳолда 500 нафарга яқин талабаларимизнинг ўнга яқин йўналишда салоҳиятли мутахассислар бўлиб етишиши учун барча шароит яратилган. Шу тариқа талабалар бир пайтнинг ўзида назарий билимларини эгаллаш, ҳам амалиёт орқали малакасини ошириш ва маош ҳақи олиб ишлашга муваффақ бўлади.

Ҳозирги кунда бу ерда Япония билан ҳамкорликда “Дуал” таълим тизими асосида мазкур мамлакатда ишлаш учун ҳамширалар тайёрлаш, Туркия технологиясини ёрдамда “Бахтли оила” лойиҳаларини амалга оширишга киришилди. Шунингдек, Ҳиндистоннинг дунёга машҳур “Apollo” клиникаси билан юрак-қон томир касалликлари билан боғлиқ энг мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш устида иш олиб борилмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

ҚИЗИЛТЕПАДА ХАЛҚАРО ШАХМАТ МАКТАБИ ҚУРИЛМОҚДА

Президентимизнинг 2022 йил 5 августдаги “Шахматни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига Қизилтепа туманининг “Тўдақўл” дам олиш базаси ҳудудига мактабдан ташқари давлат спорт-таълим муассасаси ҳисобланган Халқаро шахмат мактаби қурилиши белгиланган.

Фамхўрлик

Айни кунларда ушбу мактабнинг қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда.

— Мазкур мактаб зарур шахмат анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланиб, замонавий халқаро талабалар ҳамда стандартларга жавоб берадиган моддий-техник ва ўқув-машғулот базаларига эга бўлади, — дейди Қизилтепа тумани ҳокими Улуғбек Файзиев. — Шунингдек, турли даражадаги халқаро ва

минтақавий мусобақалар — шахмат олимпиадаси ҳамда Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, универсиадалар ҳамда бошқа мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишга муносиб бўлган халқаро даражадаги шахматчиларни тайёрлаш мақсадида мактабга юқори малакали мутахассис-тренерлар, психологлар ва услубчилар, шу жумладан, жаҳоннинг машҳур халқаро гроссмейстерлари жалб қилинади.

Мактабда шахматчиларнинг ўқув-машғулот жараёнини халқаро стандартлар даражасида

ташқил этиш, илғор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ўқув-машқ жараёнига энг янги илмий-услубий технологияларни жорий қилиш йўли билан шахматчиларни назарий ва техник-тактик жиҳатдан тайёрлаш, шахмат бўйича терма жамоалар ва уларнинг захиралари иштирокида ўқув-машқ йиғинлари, республика ва минтақавий мусобақаларни уюштириш ҳам кўзда тутилган. Шу омиларнинг ўзи мазкур мактаб Қизилтепада йилнинг энг йирик қурилиши бўлишидан далолатдир. Шунингдек, унинг бунёд этилиши туманининг сайёҳлик марказларидан бири бўлган “Тўдақўл”нинг туризм жозибадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).



Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 141. 20 266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлиб олиш учун 04-қўнғини телефонингиз орқали скарвон қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остнов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15

Топширилди — 23.20

1 2 3 4 5 6